

2-ТИП ҚАНДЛИ ДИАБЕТДА ТРОМБОЦИТ ФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ТРОМБОТИК ХАВФНИ БАҲОЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Bekchanova N.I. TDTU, Tashkent, Uzbekistan

Bababdjanova Sh.A. TDTU, Tashkent, Uzbekistan

Долзарблиги.

2-тип қандли диабет (2-ТҚД) шароитида тромбоцитлар функционал фаоллигининг ортиши атеротромботик асоратлар ривожланишининг муҳим патогенетик бўғинларидан бири ҳисобланади. Тромбоцит функциясини баҳоловчи лаборатор кўрсаткичлар — агрегация даражаси, ўртача тромбоцит ҳажми (MPV) ва активацион маркерлар — диабетик беморларда тромботик хавфни олдиндан аниқлашда амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин, бироқ бу борада якуний клиник тавсиялар ҳали тўлиқ шаклланмаган.

Мақсадимиз

2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда тромбоцитларнинг функционал ўзгаришларини ўрганиш ва уларнинг тромботик асоратлар хавфини баҳолашдаги клиник-диагностик аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Материал ва усуллар.

Тадқиқотга 2-тип қандли диабет ташхиси қўйилган беморлар ва соғлом назорат гуруҳи жалб этилди. Барча текширилиувчиларда тромбоцитлар сони, ўртача тромбоцит ҳажми (MPV), тромбоцитлар агрегацион фаоллиги (индуктор сифатида АДФ ва коллаген қўлланилган

холда) лаборатор усуллар ёрдамида баҳоланди. Гуруҳлараро таққослаш ва статистик таҳлил ўтказилди.

Натижалар.

2-тип қандли диабет билан оғриган беморларда назорат гуруҳига нисбатан ўртача тромбоцит ҳажми (MPV) ва тромбоцитларнинг АДФ ҳамда коллаген индукцияланган агрегацион фаоллиги сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичларнинг ортиши узок муддатли гипергликемия ва ёмон гликемик назорат билан ижобий боғлиқлиги, шунингдек анамнезида атеротромботик ҳодисалар (миокард инфаркти, ишемик инсульт) бўлган беморларда ушбу ўзгаришларнинг янада юқорироқ даражада намоён бўлиши қайд этилди.

Хулоса.

2-тип қандли диабетда тромбоцитларнинг функционал гиперактивлиги атеротромботик асоратлар ривожланишининг муҳим лаборатор башоратловчи белгиси ҳисобланади. MPV ва тромбоцитлар агрегацион фаоллигини мунтазам баҳолаш диабетик беморларда тромботик хавфни аниқлаш ва антитромбоцитар терапияни ўз вақтида тайинлашга хизмат қилиши мумкин.